

23

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ш.Р. Рахмонова

2020 йил



“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2020 йил “28” 08

Рўйхатга олинди: № МД-5А120101

2020 йил “28” 08

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ ПОЭТИКАСИ
(АФҒОНИСТОН)

ФАН ДАСТУРИ

Билимсоҳаси:	100000 – Гуманитар соҳа
Таълимсоҳаси:	120000 – Гуманитар фанлар
Мутахассислик:	5А120101 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари)

Тошкент – 2020



Handwritten signature in blue ink.

Фан/модуль коди 5ASAP225		Ўқув йили 2020-2021	Семестр 2	ECTS - Кредитлар 5	
Фан/модуль тури Мажбурий		Таълим тили Ўзбек/рус		Хафтадаги дарс соатлари 4	
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулоти (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)	
	Шарқ халқлари адабиёти поэтикаси (Афғонистон, дари адабиёти)	60	90	150	
2.	I. Фаннинг мазмуни Фанни ўқитишдан мақсад – магистрларга ўрганилаётган мамкатлар адабиёти поэтикаси, адабиёт назарияси фанларида ўрганилаётган миллий бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ривожланиш қонуниятлари ва характери, методлари, жанрлар, поэтикани ташкил қиладиган асарнинг бадиий тили, услуби, турли бадиий – тасвирий ва ифодавий воситалари тўғрисида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир. Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, бадииятшунослик илмлари бўйича илмий дунёқарабини шакллантириш вазифаларини бажаради. II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти) II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради: 1-мавзу. Поэтиканинг умумий масаласи Шарқ адабиётида бадииятшунослик масалалари терминини келиб чиқиши. Антик даврда поэтика термини билан умумий сўз санъатини номланиши. Замонавий “поэтика” терминининг турлари: 1. Кенг маънода бадиий адабиёт, унинг қонуниятлари, адабий назарияси, адабиёт қоидалари, жанр, композиция типлари, сюжет қурилиши ва ҳ.к. поэтика термини билан юритилади. Бунда поэтика термини бевосита адабиёт назарияси терминининг синоними вазифасини ўтайди. Бу умумий тарздаги поэтика. 2. Тор маънода шеърий асар ва унинг эволюцияси, уларнинг келиб чиқиши ва тақдири, шеърий стилистика, шеърий нутқ ва унинг характери, турли шеърий ва тасвирий воситалари ҳам поэтика термини билан юритилиши. 3. Тор маънода, бир жанрга ёки ёзувчини ижодига, ёки оқимга, ёки миллий адабиётга хос яхлит тизим сифатида қабул қилиниши: роман поэтикаси, А.Навоий поэтикаси, романтизм поэтикаси, япон адабиёти поэтикаси ва ҳ.к. аниқ адабий асар поэтикаси.				

2-мавзу. Аристотел “Поэтика”си ва унинг адабиётшунослик учун аҳамияти

Аристотелнинг “Поетик санъат ҳақида” асарининг моҳияти ва адабиётшунослик учун аҳамияти. Унда жанрларнинг таснифланиши ва таърифланиши. Арасту томонидан адабиётшуносликка киритилган терминлар: катарсис ва бошқалар.

3-мавзу. Адабий жараён ва поэтика.

Поэтикани норматив назарияси сифатида шаклланиши ва адабий ижодиёт қонуनларининг ўзгармаслиги ҳақидаги таълимоти. Умумий (назарий), хусусий поэтика ва тарихий поэтика соҳалари. Уларнинг вазифалари. Адабий жараёнларни ўрганишда тарихий поэтика нуқтаи назаридан монументал тадқиқотлар яратишнинг асосий вазифалари. Бу тадқиқотларни анъанавий хронологик – тавсифий шаклда (даврдан-даврга, мамлакатдан мамлакатга, ёзувчидан ёзувчига) ёзилган тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, турли ҳикояларнинг, мамлакатларнинг кўп асрли адабиёт – бадий тажрибасини ўзига мужассамлаштиргани билан ажралиши ва назарий поэтика тушунчаларига асосланиши.

4-мавзу. Қадимги адабиётларда эстетик асослар ва фойдаланган ифода воситалари

Мифологик онг. Ўрганилаётган мамлакат адабиётининг қадимги адабий ёдгорликлари ва унинг поэтикасининг хусусиятлари. Поэтиканинг асосий категориялари. Бадий сўзнинг огъзаки ёки ёзма турлари. Улардаги умумийлиги ва фарқланишини ўрганиш.

5-мавзу. Анъанавий поэтика асосида адабиётнинг ривож

Қадимги шарқ адабиёти поэтикасининг ўзига хослиги. Аниқ асарлар доирасида уларнинг ички қурилишини ўрганиш, бадий воситалари ва уларнинг тизимини ўрганиш.

6-мавзу. Шарқ адабиётида анъана ва новаторлик масаласи.

Ўрта аср адабиётлари ривожда поэтика термини моҳиятини ўзгариши ва поэтикани адабиётшуносликнинг маълум бир соҳасига айланиши, назм ҳамда бадий насрда тасвирий – ифодавий воситалар ва образлар тизими трансформацияси.

7-мавзу. Шарқ мумтоз поэтикаси

Ўрта асрларда ўрганилаётган Шарқ мамлакатлари мумтоз адабиёти поэтикаси. Поэтикани шеъриятга нисбатан адабий танқидчилик ўрнини эгаллаши ва унинг асосий принципларини белгилаши. Шеърият тўғрисида махсус поетик рисолалар, улардаги шеъриятни тузилиши ва ўрганилиш асослари тўғрисидаги назария. Шарқ поэтика мактабининг

7. Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил “28” 08 даги 4 -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “28” 08 даги 452 -сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

8. Фан/модуль учун маъсулар:

Маннонов А.М. – ТДШУ “Хорижий шарқ мамлакатлари тили ва адабиёти” кафедраси профессори, филология фанлари доктори;
Кабинова Н.К. – ТДШУ “Хорижий шарқ мамлакатлари тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси, PhD.

9. Такризчилар:

С.Сотиболдиева –А.Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори;
О.Турдиева – ТДШУ “Хорижий шарқ мамлакатлари тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари доктори;

XX аср) Иккинчи қисм, –Т.: 2018.

Қўшимча адабиётлар

1. Асоев Х. Развитие жанров в прозе на дари. –Душанбе, «Ирфон», 1987. –С.120.
2. Асоев Х. Формирование жанровые системы в прозе Афганистана на языке дари. –Душанбе, «Донеш» 1988. –С.222.
3. Асоев Х. О степени изученности дариязычной прозы Афганистана. – Проблемы истории и методологии литературоведения и литературной критики. –Д.: 1982. –С.59-60.
4. Герасимова А., Гирс Г. Литература Афганистана. –М.: ИВЛ, 1963. –С.194.
5. Герасимова А.С. Литература Афганистана на языке пушту (40-80 годы). –М.: 1986. –С.158.
6. Гирс Г.Ф. Современная художественная проза на пушту в Афганистане. –М.: 1958. –С.183.
7. Дворянков Н.А. Афганская новелла осваивает жизнь. – Заколдованный город (новеллы афганских писателей). –М.: ГРВЛ, 1972. –С.7-10.
8. Дорри Дж. Основные тенденции развития иранской реалистической прозы (вторая половина 60-х – 70-х годы). Литература стран Зарубежного Востока. –М.: Наука, 1982. –С.125-143.
9. Лебедева Г., Рычкова Н. Национальные особенности современной афганской прозы. – Снег идет. Новелла афганских писателей. М.: Наука, 1964. –С.6-12.
10. Мирзоев С. Литературно-просветительская деятельность Мухаммад Тарзи и его газета «Сирадж-уль-Ахбар» (1911-1919). – Душанбе, Ирфон. 1973. –С.166.
11. Рычкова Н. Литература Афганистана. В кн.: Краткая история литератур Ирана. Афганистана и Турции. –Л.: Изд-во ленинградского университета. 1971. –С.69-88.
12. Шпак И.М. Абдулла Бахтани и его место в развитии современной афганской новеллы. – Известия АН Тадж. Наук, 1969. №2.

Ахборот манбалари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. <http://www.afghanistan-analysts.org>
4. <http://www.ariananews.af>
5. <http://www.aopnews.com>
6. <https://www.thekabultimes.gov.af/>
7. www.ppazhwak.hozhaber.com

шаклланиши ва манбалари. Жумладан, ўрта асрдаги араб ва бошқа мусулмон шарқида ривожланган “Илм ал – балаға” – “Балоғат илми” – шеърӣ нутқ ғўзаллиги (санъатлари)ни ўрганишга қаратилган илм. “Илм ал - балағани” икки қисмга, яъни “илм ал – маъни” ва “илм ал – бадий” га бўлиниши.

“Илм ал – маъни” – бадий санъатларнинг сўзнинг маъноси билан боғлиқлиги.

“Илм ал – бадий” санъатининг ифодавий – тасвирий воситалар билан боғлиқлиги.

Узоқ шарқ халқлари адабиётида кўплаб жанрларнинг пайдо бўлиши, уларнинг поэтикасини ўзига хослиги. “Илм ал – бадий” санъатининг ифодавий – тасвирий воситалар билан боғлиқлиги. “Илм ал – бадий” санъатининг ифодавий – тасвирий воситалар билан боғлиқлиги. Мумтоз шарқ адабиётида муаллифлик ижод такомиллашуви. Унда образлар тизими ва жанрлар иштироки.

8- мавзу. Маърифатпарварлик адабиёти поэтикаси

XX асрда поэтикани турли ҳилдаги бадий тузилиши. Публицистик поэтиканинг ривож. Янги жанрлар – тарихий роман, замонавий ҳикоя, янги шеър шаклланиши. Анъана ва янгиланиш ҳаракати, мутаносиблиги. Маърифий – бадий асарларнинг поэтикаси.

9-мавзу. Миллий адабиётларда вужудга келган романтизм ва реализм ёъналишларининг поэтикаси.

Шарқ адабиётида романтизм кўринишлари, реализмнинг ўзига хослиги ва миллий руҳи, неореализм кўринишлари, реализмнинг асосий ижодкорлари асарларининг поэтикаси.

10-мавзу. Шарқ адабиётларига жаҳон замонавий оқимларининг таъсири.

Новаторлик жараёнларда асарлар поэтикасини ўрганиш. Миллий адабиётларда модернистис поэтикасининг унсурлари. Янги замонавий жанрлар поэтикаси: сюжет-композицияси сатҳлари, образлар тизими, бадий усул ва воситалар.

11-мавзу. “Янги роман” поэтикаси.

Экспериментал изланишлар. Воқеабанд изчил сюжетни ёъқолиши, матннинг баён усули бузилиши. Ички монолог, эссега хос хусусиятларнинг кўпайиши, мозаик қонуниятга амал қилиш.

12-мавзу. Миллий шарқ адабиётларда модернистик унсурлар.

Модернизмнинг шарқ адабиётларига таъсири ва унсурларининг намоён бўлиши, миллий мерос ва новаторлик масаласи. Модернистик шарқ адабиётлар намуналарининг поэтикаси.

	13-мавзу. XX аср охири XXI аср бошида шарқ адабиёти поэтикаси. XX аср реализмининг такомили ва кўринишлари. Поэтика унсурларида рўй берган ўзгаришлар. Постмодернизм тамойиллари. “Жуда қисқа ҳикоя” каби янги жанр поэтикаси. III. Амалий машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади: 1. Аристотелнинг “Поэтика” си билан танишиш ва уни таҳлил этиш. 2. Ўрганилаётган мамлакат адабиётининг қадимги намуналарини поэтика илми нуқтаи назаридан таҳлилдан ўтказиш. 3. Уйғониш давридаги адабиёт намуналарини таҳлил қилиб, уларнинг сюжет тузулиши, жанри, композициясини аниқлаш. 4. Классисизм поэтикаси асосчиси Буалонинг эстетик қарашларини ўрганиш. 5. Классисизм оқимининг буюк намоёндалари Корнел, Расин асарларини таҳлил этиш ва “Уч бирлик” қонуни тадбиқини аниқлаш. 6. Романтизм поэтикасини Байрон шеърини мисолида аниқлаш. 7. Мумтоз Шарқ адабиётидан поэтикага бағишланган асарни таҳлил қилиш. 8. Миллий адабиёт поэтикасининг эволюциясини кузатиб бориш ва тамойилларини аниқлаш. 9. Тарихий поэтика нуқтаи назаридан бадий усулларини такомиллашини кузатиб бориш. 10. Янги давр миллий адабиёт поэтикасининг ривожини аниқлаш. Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ. IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар: 1. Миллий мумтоз адабиётининг поэтикаси ривож 2. Ўрта аср миллий адабиётининг поэтикасини ўзига хослиги (муайян асарлар мисолида) 3. Алоҳида олинган Ўрта аср поэтикаси рисоласини тадқиқи. 4. Ўрганилаётган мамлакат замонавий адабиётининг поэтикасининг даврий ривожда янги шакл ва образларнинг шаклланиши. 5. Янги давр адабиётидан танлаб олинган насрий асарнинг поэтикаси. 6. Шеърини асарнинг поэтикаси (Янги давр).
--	---

	7. Замонавий миллий ёзувчини поэтикаси. 8. Замонавий шоирларнинг ижоди поэтикаси. 9. Замонавий адабий оқимларининг поэтикаси (масалан, Миср адабиётда “Янги мавж” оқими). 10. Ғарб модернизми ва унинг шарқ мамлакатлари адабиётига эстетик жиҳатдан таъсири (намуна асосида). Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.
3.	V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклландиган компетенциялар) Фанни ўзлаштириш натижасида талаба: • бадийтшунослик масалалари билан таништириш, уларни бадий асар билан ишлашга, ундаги бадий масалалар тўғрисида <i>масаввурга эга бўлиши</i>; • бадийтшунослигининг долзарб масалаларини ажрата олишга, тадқиқ ва таҳлил этишни <i>билиши ва улардан фойдалана олиши</i>; • бадий асар тили, бадий санаът турлари, лафзий санъатлар, маънавий санаътлар, бадий троплар бўйича <i>қўнқималарига эга бўлиши керак</i>.
4.	VI. Таълим технологиялари ва методлари: • маърузалар; • интерфаол кейс-стадилар; • семинарлар (мантиқий фиклаш, тезкор савол-жавоблар); • гуруҳларда ишлаш; • тақдимотларни қилиш; • индивидуал лойиҳалар;
5.	VII. Кредитларни олиш учун талаблар: Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш вазорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.
6.	Асосий адабиётлар 1. Маннонов А. Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз адабиёти тарихи. Монография. Т., 2001. 2. Иномхожаев. Р. Тюрко-персидское двуязычие в литературной жизни Индии XVI в. Монография. Ташкент, 1993 3. Маннанов А., У истоков афганской классической литературы. Монография. Т., Фан, 1994. 4. Иномхожаев Р. Афғонистон маърифатпарварлик адабиёти очерклари. –Т.: 1999. 5. Иномхожаев Р. Афғонистон дарийзабон адабиёти. (XVIII – XIX асрлар) Биринчи қисм, –Т.: 2016. 6. Иномхожаев Р. Афғонистон дарийзабон адабиёти. (XIX аср охири –